

# **Сурхондарё ёшларини эзгу мақсад сари бирлаштирган фестиваль**



Айниқса, фестивал якунида таниқли санъаткорлар иштирокидаги шоу-концерт унүтилмас таассуротларга бой бўлди. Унда 80 мингдан зиёд ёшлар, қўшни мамлакатлардан меҳмонлар қатнашди. Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов шижотли ўғил-қизларни ўзига хос байрам билан қутлади.

Тадбирда фестивал доирасида ташкил этилган турли кўрик-танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ғолибларига олтита 25 миллион сўмлик, ёшларнинг IT йўналишидаги стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, вилоятдаги олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган вилоят ҳокими стипендияси учун иккита 1 миллиард (жами 2 миллиард 150 миллион) сўмлик сертификатлар топширилди.